

ВАТАНИМИЗ ТАҚДИРИ ВА КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА ЯНАДА ҲАМЖИХАТ БЎЛИБ, ҚАТБИЯТ БИЛАН ҲАРАКАТ ҚИЛАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби» мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи

«Бола ота-она қўлида бир омонатдир», дейди буюк алломаларимиз. Болаларимиз, уларнинг тақдири, келажаги ҳақиқатан ҳам жуда омонат эканини бугунги ҳаёт ҳар томонлама исботламолда.

Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар кун, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас.

Биз, кўпинча болам мактабда, ўқишда ёки чет элда ишляпти, деб хотиржам юрибмиз. Лекин бизнинг бундай соддаликимиз, бепарволигимиздан душманлар маккорлик билан фойдаланмоқда. Бизнинг жону ҳаётимиз бўлган фарзандимиз душманлар қўлида қуролга айланиб қолса, бунинг учун аввало ким айбдор? Ўзимиз эмасми?

Шунинг учун мактаб, лицей ва коллежлардаги, олий ўқув юртимиздаги таълим-тарбия, биринчи навбатда, давомат масаласига ниҳоятда жиддий эътибор беришимиз шарт.

Биронта ўқувчи ёки талаба узрсиз ўқишга келмай қўйса, таълим маскани ҳам, оила ҳам, маҳалла, ҳокимият идоралари ҳам бу тўғрисида бонг уриши, сергак тортиши, буни фавқулодда бир ҳол деб баҳолаши керак.

Ана шундай назорат тизими самарали ва ўзаро боғлиқликда ишлайдиган бўлса, албатта биз вазиятни кўлга олиб, уни ихобий томонга ўзгартира оламиз.

Шунинг учун ҳам биз туманларда ҳокимлар ҳамда ички ишлар бўлими бошлиқларининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари лавозимини ташкил этдик.

Кейинги йилларда халқимиз ўртасида кенг тарқалган «Ўз ўзининг асра!» деган давватга бугун «Ўз болангни ўзинг асра!» деб қўйишма киритиш вақти келди, деб ўйлайман.

Адашган ёшларни тарбиялашимиз, керак бўлса, жазони ўташ жойларига ҳам бориб, улар билан гаплашишимиз лозим. Чин дилдан таъба қилиб, ота-онаси, оиласи бағрига, тўғри йўлга қайтишни ният қилган одамларга амалий ёрдам беришга мен давлат раҳбари сифатида доимо тайёрман.

«Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ички ишлар идоралари ва бошқа тегишли ташкилотлар бу масала бўйича бевожута жавобгар бўлиб, иш самарадорлигини тубдан оширишлари, мутлақо янги тизимга ўтишлари зарур.

Бу борадаги энг муҳим вазифалар ҳақида гапирганда, қўйидагиларни алоҳида таъкидлашни истардим.

Биринчидан, жойларда махсус ҳисобга олинган фуқароларнинг турмуш шароити, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, муаммоларини ўргатиш, ушбу тоифа шахслар нега радикаллашиб кетганининг сабабларини ҳар томонлама чуқур таҳлил этиш лозим.

Ана шу таҳлилни натижалари бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятида қўллаш учун аниқ таъсия ва тақлифлар ишлаб чиқишни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Агар биз шу йўналишдаги ишларни аввалгидек давом эттирадиган бўлсак, яъни умумий профилактика ишларини ёшлар радикал диний оқим аъзосига айландирган сунг ўтказадиган бўлсак, бундай ҳавф-хатарга қарши ҳеч қачон самарали курашга олмаймиз.

Қисқача айтганда, узокни қўзлаб, керак бўлса, ҳаётда бир қадам олдинда юриб, бизни доғда қолдирмоқчи бўлганларнинг хийла-найранглирини аввалдан билиб, биринчи зарбани улар эмас, биз беришимиз зарур. Шунда давлатнинг — давлат, жамиятнинг — жамият экани бор кучи ва қудрати билан намоён бўлади.

Иккинчидан, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, профилактика инспекторлари, имом-хатиблар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тегишли ходимлари учун малака ошириш ўқувларини ташкил этиш керак. Бу ўқувларда уларнинг экстремистик ва террорчи гуруҳларнинг иш усули, гаразли гоя ва мақсадлари билан таништириб бориш зарур.

Адашган шахслар билан ишлайдиган мутахассис, у маҳалла маслаҳатчиси, имом-хатиб ёки профилактика инспекторлари бўладими, аввало, бузғунчи кучлар қандай гояларни илгари сураётганини билиши керак.

Акс ҳолда у ана шу гоялар хато экани, дину диёнатида, элу юртимиз манфаатларида зид келишини тушунириб бера olmayди. Бундай ҳолатда қандай қилиб адашган кимсани тўғри йўлга ишонтариш мумкин?

Давоми. Бошланғич 1-2-бетларда.

Учинчидан, ҳокимларнинг ёшлар билан ишлаш ҳамда жамоатчилик ва диний ташкилотлар, шунингдек, хотин-қизлар бўйича ўринбосарлари, аввало, ўзлари ташаббус кўрсатиб, турли сохта ваъдалар, ҳавойи гаплар ортдан эргашган фуқароларимизнинг хонадонларига кириб боришлари керак. Улар билан суҳбат ўқизишлари, иссиқ-совуғи, ташвиш ва муаммоларидан хабардор бўлишлари лозим. Уларнинг кундалик режасида ҳар кун қайси диний оқим аъзоси билан учрашиш, диний-ахлоқий жиҳатдан муаммоси бўлган хонадоннинг масаласини ҳал этиш бўйича аниқ вазифалар ақс этиши шарт.

Агар биз ёлгон гояга алданганларни ўз ҳолига ташлаб қўйдиган бўлсак, эртага четда пайт пойлаб турган қабих ёв келиб, уни ўз ортдан етлақаб кетмаслигига ким қасолат беради?

Бугунги кунда диний экстремистик оқим аъзоларининг фарзандларини жамоат ишларига, дунёвий турмуш тарзига, ҳусусан, фан ва касб-хунар тўғрисида, санъат фестиваллари, спорт мусобақаларига жалб қилишга етарлича эътибор қаратилмаяпти.

Буни албатта қонқарли деб бўлмайди. Нега деганда, бир-икки марта номига тадбир ўқизиш билан иш битмайди. Бу йўналишда ҳар кун, ҳар соатда, доимий ва тизимли равишда иш олиб бориш керак. Буни маънавий ҳаёт, гоявий-мафкуравий иш деб қўйибди. Бу бизга галла ёки чигит экиш эмас, уруғни тупроққа ташладик, бўлди, энди кутамиз, деб қараб ўтирсак.

Мафкура соҳасида бўлишқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олинган, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди.

Демак, унга доимо маънавий озик керак. Агар шу озикни ўзи яшаётган муҳитдан олмаса ёки бу муҳит уни қонқиртмас, нима бўлади, айтинлар? Бундай озикни у аста-секин бошқа ёқдан излайди. Шунга йўл бермаслигимиз керак. Мана, гап нима ҳақида кетяпти!

Бунинг учун ўзини жамиятимиз, ёшларимиз маънавияти, гоявий-мафкуравий тарбияси учун масъул деб билган инсонлар — бу маҳалла ёки диний ташкилотлар бўладими, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ёки катта таъсир кучига эга ижодкор зиёлилар бўладими — уларнинг барчаси, айниқса, фаол бўлишлари лозим.

Афсуски, биз бу масалаларда ухлаб ўтирибмиз. Гапнинг очиги шу: ухлаб ўтирибмиз. Душман эса ўз ишини қилипти. Баъзи ўринларда ҳатто мақсадида ҳам эришяпти.

Агар бу сўзларни кимгадир қаттиқ ботса, нотўғри бўлса, марҳамат, буни ҳам очик айтинлар. Мен эшитишга тайёрман.

Яна бир масала — эл-юртга пешу бўлиб юрадиган муҳтарам имом-хатибларимиз юксак маънавияти, одоб-ахлоқи билан, аввало, ўзлари бошқаларга ибрат ва намуна кўрсатмас экан, уларнинг вазъонлиги одамларга чивин қаққандек ҳам таъсир қилмайди.

Ҳолисона айтганда, барча имом-хатибларимиз шу талабларга жавоб бера оладими?

Тўртинчидан, ҳар бир маҳаллада маҳалла раиси, маслаҳатчилар, участка инспектори ва имом-хатибнинг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш фурсати етди.

Имом-хатиблар кенг жамоатчилик орасида мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамликни қўз қорачиқдек асраб-авайлаш, бундай барқарор ва осийишта муҳит осмондан тушмаётганини тарғиб этиш, ота-боболаримиз минг йиллардан буюн пок саклаб келаётган ислом дини ҳар қандай зуравонликка, бузғунчиликка, беғуноҳ инсонларнинг қонини тўкишга мутлақо қарши эканини оят ва ҳадислар асосида, жонли мисоллар ёрдамида таъсирчан етказиб беришлари зарур.

Муқаддас Қуръони каримда мусулмонларга қарата **фирқаларга бўлиманг**, деган мазмундаги кўрсатмалар бор. Бу турли оқимларга бўлиниб, одамларни тўғри йўлдан адаштиришга динимиз мутлақо қарши эканига яққол далил эмасми?

Бешинчидан, бизни ҳаммаша уйлантириб келаётган яна бир муҳим масала — бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараш билан боғлиқ.

Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким — ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзларини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуг зотларнинг авлодимиз, деган давват уларнинг қалбидо доимо акс-садо бериб, ўзларига содиқ қолишга ундаб турсин.

Бунга нимаини ҳисобидан эришамиз? **Тарбия, тарбия ва фақат**



тарбия ҳисобидан. Лекин тарбия дегани фақат мактаб тарбиясидан иборат эмас. Ҳозир ҳаммамиз бор айбни мактабга ағдаришга ўрганиб қолганмиз.

Маҳалла, оила, кенг жамоатчиликчи? **«Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она» деган мақолнинг ҳақиқий маъносини англайдиган вақт келди. Англаб, шу асосда яшайдиган вақт келди.**

Лекин бугунги кунда маҳалладаги, айниқса, уюлмаган ёшларнинг тақдири билан ким қизиқяпти? Болалар қиммат билан ҳақсухбат бўлаётгани, ўқишга қачон бориб, қачон келаётганини ким назорат қилияпти?

Ёшлар, ҳусусан, ўсмирлар орасида безорилик, жиноятлар сони ортишига қандай омиллар сабаб бўляпти?

Баъзи ёшларимиз учун меҳроқибат, ахлоқ-одоб тушунчалари бутунлай беғона бўлиб бораётгани, уларда бефарқлик, масъулиятсизлик, меҳнат қилмасдан кун қўришга интилиш каби иллатлар пайдо бўлаётгани — аччиқ бўлса-да, ҳақиқат.

Бунинг таъсирини қўлаб мисолларда кўриш мумкин. Айрим ёшларнинг қисқа ёки узок вақт чет элга, меҳнат сафарига бориб келиб, ўз эътиқодини ҳато деб ҳисоблаб, бизга буткул ёт бўлган оқимлар, гоя ва тушунчаларни олиб келаётгани ҳам — бор гап. Айни ҳақиқат бу. Бундай ҳолатлар барчасини ташвишга солиши шарт.

Ёки турмуш қурган ёшлар орасида ҳаётни енгиш-елпи тасаввур қилиш, оила муқаддас эканини тушуниб етмаслик ҳолатлари ҳам, афсуски, учраб турибди.

Ёш оилалар орасида арзимас сабаблар билан ажралишлар қўлайиб бормоқда. Беғуноҳ болалар етим бўлиб, меҳр ва эътиборга энг ташна вақтида ота-она тарбиясидан четда қолмоқда.

Яна бир нохуш ҳолатни бугун афсус билан айтмоқчиман: оилаларда носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтиробга солимоқда.

Сизлар яши биласизлар, Қуръони каримда **«Ўзингизни ноҳақ ўлдирмангиз»** деб буюрилади. Муборак ҳадисларда ўз жонига қасд қилганлар ҳеч қачон жаннатга тушмаслиги ҳам баён қилинади.

Шунга қарамайдан, аёлларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари барҳам топмаётган экан, биз, аввало, бунинг сабабларини бартарф этиш ҳақида ҳар томонлама ўйлашимиз, жумладан, аҳолимиз, аёлларимиз ўртасида динимизнинг бу кўрсатмаларини тушуниришимиз лозим.

Шу ўринда яна бир нозик масала бўйича алоҳида тўталиб ўтмоқчиман. Баъзан ҳаётда «ЗАГС», яъни Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органидан ўтмасдан туриб, пул эвазига яширинча шаръий никоҳ ўқитиш, хотин устига хотин олиш ҳолатлари ҳам, минг афсуски, учраб турибди.

Бир пайтлар ҳаётнинг ўзи рад этган қундошлик, қўшотинилик балоси қандай хуноқ оқибатларга олиб келиши барчамизни ташвишга солиши керак. Атоқли адибимиз Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романида қундошлик туфайли бутун бир оила бошга тушган фожиаларни жуда таъсирчан тасвирлаб бергани наҳотки—сабоқ бўлмаган бўлса?

Ахир, тегишли давлат идорасида қонуний қайд этилмаган «никоҳ»дан тузилган фарзандларнинг тақдири, келажаги эртага нима бўлади? Табиийки, давлат қонунлари бўйича улар қўлгана ҳуқуқлардан маҳрум бўлиб қолади. Ҳусусан, оталикни белгилаш,

туғилганлик тўғрисида гувоҳнома олиш, меҳрос ҳуқуқи, ўсиб-улғайганидан кейин боқчага, таълим муассасаларига қабул қилиш масалаларида қанчадан-қанча муаммолар пайдо бўлади.

Энг ёмони, бундай болалар руҳан мажруҳ бўлиб, турли маънавий нуқсонлар билан вояга етади. Улар ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси деб ҳис этолмайди.

Ҳурматли имом-хатиблар, сизлар Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органидан берилган ҳужжатни кўрмасдан туриб, турли бойваччаларга шаръий никоҳ ўқиб бераётганингизда мана шундай ишингиз оилаларга қандай бахтсизлик, жамиятга қандай катта муаммо олиб келаётганини лоақал тасаввур қиласизларми ўзи?

Ҳозирги кунда ҳаётимизда авж олаётган ана шундай хуноқ, ярамас ҳолатларга чек қўйиш мақсадида алоҳида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Бу қонунда Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органидан берилган ҳужжатга эга бўлмаган шахсларга шаръий никоҳ ўқиган ҳар қандай муллага, агар у валломат бўлсам, жиноий жазо бериш қўзда тутилади.

Олтинчидан, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда жамоатчилик назоратини тизимли йўлга қўйиш энг мақбул йўлдир. Бу — жаҳон тажрибасида синондан ўтган йўл.

Давлат қачон ўз вазифасини муваффақиятли адо этади? Қачонки давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати ўрнатилган бўлса.

Афсуски, ҳозирги кунда жамоатчилик назоратининг таъсири амалда сезилмаяпти. Одамлар орасида ҳалигача боқимандалик кайфияти ҳукм суromoқда. Давлат бор-ку, боқсин-да, деган кайфиятлардан, афсуски, тўлиқ қутула олмаймиз.

Жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича Президентнинг давлат маслаҳатчиси раҳбарлигидаги Республика ишчи гуруҳи кейинги пайтда қарийб барча ҳудудларда ижтимоий-маънавий муҳитни ўргатиш ва аниқланган муаммоларни бартарф этиш учун жамоатчилик назоратини қўлайитириш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Лекин шунинг ўзи етарли эмас. Барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, ана шу муаммоларни бир-галикда ечимасак, четдан келиб ҳеч ким уларни ҳал қилиб бермайди.

Ҳаммангиз биласиз, ҳозирги пайтда бирор-бир ташкилотга битта қўшимча штат бериш қанчалик қийин. Аммо биз жамиятимиз, халқимизнинг тинчлиги ва осийишганини йўлаб, ички ишлар тизими, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаларига, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига, Хотин-қизлар қўмитасига қўшимча штатлар бердик, уларнинг иш шартини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширдик.

Энди улардан маънавий-маърифий тадбирларнинг натижаси бўйича, жумладан, адашганларни тўғри йўлга солиш бўйича амалий ишларни қўйишга ҳақлимиз.

Кадрли юртдошлар! Бугунги учрашувимиздан фойдаланиб, сизлар билан яна бир масала ҳақида фикрлашиб олмақчиман.

Сизларга яхши аёнка, мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида динимиз раънақа йўлида беқийс хизмат қилган буюк азиз-авлиёлар, аллома зотлар хотирасига барпо этилган ёдгорлик мажмуалари, илмий марказлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг қошида ислом динининг алоҳида йўналишлари бўйича илм олишга, мутахассис бўлишга тайёрлаб борадиган илмий мактаблар

ташkil этсак, нима дейсизлар?

Масалан, Самарқандда — Имом Бухорий илмий марказида ҳадисшунослик, Имом Мотуридий маркази қошида калом илми, Фарғонада — Марғионий илмий марказида ислом ҳуқуқи мактаби, Бухорода — Баҳроуддин Нақшбанд марказида тасаввуф, Қашқадарёда — Абу Муин Насафий марказида ақиди илми мактабини ташkil этсак, ўйлайманки, бу жуда фойдали бўлади.

Келгусида чуқур билимли имом-хатиблар, исломшунос мутахассислар, уламолар тайёрлашда, энг муҳими, фарзандларимизни буюк аждодларимизнинг бебаҳо мероси руҳида, соғлом эътиқод руҳида тарбиялашда бу мактаблар таянч бўлиб хизмат қилади.

Куни кеча Имом Бухорий бобомиз ёдгорлик мажмуасида бўлганимда бу масаланинг ақардан муҳим ва долзарб эканини, айниқса, чуқур ҳис этдим.

Айни вақтда Ўзбекистон мусулмонлари идораси фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг тасарруфидоги ташкилотлар ва имом-хатибларга қўлайликлар яратиш учун қўйидаги масалаларни қўриб чиқишимиз зарур, деб ўйлайман.

Биринчидан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва унинг тизимидаги масжид ва таълим муассасаларининг нотижорат ташкилот сифатида фаолият юритишини инобатга олиб, улар томонидан тўланадиган ягона ижтимоий тўловнинг миқдори ни қайта қўриб чиқиш зарур.

Иккинчидан, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий мажмуаси қошида фаолият кўрсатаётган имом-хатиблар малакасини ошириш ўқув марказининг фаолиятини қўлайитириш, унинг илмий салоҳиятини, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз зарур.

Учинчидан, мамлакатимизда маърифий йўналишдаги наشرларга берилган имтиёزلарни Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Ҳидоят» жўрнали ва «Ислом нури» газетаси ҳамда диний-маърифий наشرлар учун ҳам жорий этиб, уларга ҳам солиқ ва мажбурий ижтимоий тўловлар бўйича белгиланган имтиёзлар бериш адолатдан бўлади, деб ўйлайман.

Тўртинчидан, «Ўзбекистон» телеканали орқали бериладиган «Ҳидоят сари» маърифий дастури ва «Зиё» студияси кўрсатувларини, ўйлайманки, юртимизда кўпчилик катта қизиқиш билан томоша қилади. Ана шу кўрсатувлар ижодкорларининг самарали меҳнатини инобатга олиб, уларни бундан буюн ҳам қўллаб-қувватлаймиз.

Муҳтарам юртдошлар! Юртимиз оstonасига бостириб келаятган ёвуз ҳавф-хатарларнинг олдини олиш, уларга маърифат билан қарши курашишда, ҳеч шубҳасиз, дину диёнатиимиз йўлида сидқидилдан хизмат қилиб келаятган сиз, муҳтарам домла-имомларимиз, барча диний ходимларнинг ўрни ва таъсири беқийс.

Сизлар инсон туғилганида қақалокқа азон айтишдан то уни сўнгги йўлга кузатишгача — бир умр у билан бирга бўласизлар. Яъни ҳаётимиздаги барча яхши-ёмон кунларда доимо биз билан биргасиз.

Биз сизларнинг одамларни меҳроқибат, ҳалоликка чақириш, ёшларни ахлоқ-одоб руҳида тарбиялаш, оила, маҳаллаларда тинчлик, ҳамжihatлик муҳитини мустаҳкамлаш бўйича олиб бораётган савобли ишларингиз учун барчангиздан миннатдорим.

Айни пайтда бугун замон шуни талаб қилияптики, бу борадаги

фаолиятимизни янада қўлайитирмасак, унинг самарасини оширмасак, шунча қилган сазй-ҳаракатларимиз бекор кетади. Бундан буюн ҳар бир имом-хатиб фаолиятига у иш олиб бораётган тумандаги диний вазиятга қараб баҳо берилади.

Шу нуктаи назардан қараганда, Шайхонтоҳур тумани ва Андижон вилояти фаоллари билан бўлган учрашувда муҳокама қилинган масалалар ва уларнинг ечим бўйича бошланган ишларни мамлакатимиз миқёсида кенг тарғиб этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Мен ўзим кўп жойларда эшитаман, имом-хатибларимизнинг маъруза ва суҳбатлари, афсуски, кўпинча фақат тор диний мавзу билан чекланиб қолади.

Ҳолбуки, одамларимизда шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғусини, соғлом эътиқодни қўлайитиришга асос берадиган жуда кўп мисолларни бугунги ҳаётимиздан истаганча келтириш мумкин.

Мисол учун, биргина «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури доирасида 300 дан зиёд чора-тадбир белгиланган бўлиб, уларнинг ижроси учун 37,7 триллион сўм ва 8,3 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаш қўзда тутилади.

Дастур доирасида 2017 йилда қишлоқ жойларда 15 мингта янги намунадаги арзон, тақрор айтаман, арзон уй-жойлар барпо этилади. Ўзингиз яхши тушунасиз, бу дунёда уйга муҳтож бир одамга бошлана куриб бериш ҳам динимизда катта савоб иш деб баҳоланади.

Шу маънода, бундай олижаноб анъаналар халқимиз ҳаётида ҳеч қачон тўхтаб қолмагани, давлатимиз томонидан бугунги кунда янада кенг миқёсда давом эттирилаётганини айтиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман.

Юртимизда тадбиркорлик соҳасида яратилаётган қўлай шароитлардан фойдаланиб, ёшларни ўз мустақил ишлари очилишга даъват қилиш — бу ҳам динимиз буюрган яхши амаллардан бири.

«Дилинг — Оллоҳда, қўлинг — меҳнатда бўлсин» деган давват буюк Баҳоуддин Нақшбанд бобомиз томонидан айни шу мақсадда айtilган, десак, ўйлайманки, адашмаган бўламиз.

Мана, бу йил қишлоқ жойларда яна бир ибратли тажрибани бошладик. Яъни галладан бўшайдиган 1 миллион 15 минг гектар ерда тақрорий экинлар экиш учун рухсат бериляпти. Бу ўтган йилга нисбатан икки баробар кўп. Мақсад — ер бекор турмасин, одамлар даромад олсин.

Албатта, бундай м

Савол ва жавоб

Интернетдаги ижтимоий тармоқларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига бир қатор қўшимча вазифалар қўйилгани ҳақида ўқиб қолдим. Бу борадаги янгиликлар асосан нималардан иборат?

Фарангиз ҲАСАНОВА,
Тошкент тиббиёт академияси талабаси.

Аваз ЎРИНБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

— Президентимизнинг 2017 йил 12 июндаги қарори билан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг янгиланган вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари белгиланган берилди.

Унга қўра, вазирлик ва унинг ҳудудий бошқармалари фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолига тўлиқ ва ўз вақтида тиббий хизматларни, давлат томонидан кафолатланган ҳажмда кўрсатиш, тизимдаги идора ва ташкилотлар раҳбарларининг роли ва масъулиятини кўтаришга қаратилган ягона давлат сиёсатини юритади.

Жамоат соғлигини сақлаш устуворлигини таъминлаш, аҳолини соғлом турмуш кечиришга кенг тарғиб қилиш, тиббий маданият ва саводхонликни, биринчи навбатда, ўз соғлиги ва атрофдагилар саломатлиги учун масъулият ҳиссини ошириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Шунингдек, вазирлик миллат генофондини яхшилаш мақсадида соғлом авлоднинг дунёга келиши ва уларни тарбиялаш учун қўлай шароитларни барпо этиш, оилаларда тиббий маданиятни ошириш, умр кўриш сифати ва давомийлигини кўтариш, соғлиқни сақлаш соҳаси ва аҳоли санитар-эпидемиологик фаровонлигига қаратилган давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқди.

Бундан ташқари, қишлоқ фуқароларига тиббий ёрдам кўрсатиш ҳажмини ошириш, туманлар даражасида кўп учрайдиган касалликлар бўйича ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш тизимини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатади.

Ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни даволаш, тизимли соғломлаштириш, профилактик тадбирларни кенгайтириш, тиббий-ижтимоий ёрдам сифати ва даражасини ошириш билан боғлиқ вазифалар ҳам алоҳида белгиланган қўйилган.

Мамлакатимизда «электрон меҳнат дафтари» тизими жорий этилаётган экан. Шу ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз?

Раъно ТОЖАЛИЕВА,
Жалақудуқ енгил sanoat касб-хуна
коллежи битирувчиси.

Муқаддас РАҲМАТУЛЛАЕВА,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар
Кенгаши депутати,
ЎЗХДП гуруҳи аъзоси:

— Президентимизнинг «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида аҳолини иш билан таъминлаш масаласида қатор янги механизмларни жорий қилиш режалаштирилди.

Шулардан бири ходимларнинг иш жойи ва давлат ижтимоий сугуртасига тўлов қилган даври бўйича рўйхатга олишнинг «электрон меҳнат дафтари» тизимини жорий этишдан иборат. Унга мувофиқ, 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб биринчи марта ишга қабул қилинган ходимларга қўзғош шаклидаги меҳнат дафтаридаги берилиши тўхтади. Меҳнат дафтаридаги ёзувларни солиқ тўловчининг индивидуал рақами (СТИР) ва фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тўлови бўйича индивидуал рақами (ПТИР) асосида, ходимнинг иш жойи ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига тўловлар амалга оширилган даври бўйича ҳисобга олиш билан босқичма-босқич алмаштириб борилади.

Бу тартиб иш ўринлари, солиқ ва бошқа ижтимоий тўловлар ҳақидаги маълумотларнинг ишончлилигини оширишга, ишчи-ҳодимларга қўлайлик яратишга, замонавий технологиялар имкониятларидан самарали фойдаланишга хизмат қилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Лазиза ШЕРОВА ёзиб олди.

БИРИ-БИРИДАН ҚИЗИҚАРЛИ
ЛОЙИХАЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Биз партиямиз сафига қириб келаётган ёшларга ҳавас билан боқамиз. Қўлимиздан ишимизни олаётган, корхоналар, партия ташкилотларига етакчилик қилаётган, депутатликка сайланаётган навқирон ташкилотчиларни қўллаб-қўватлаймиз. Оғиримизни енгил қилиш, келажақ ва эзгу ишлар учун елка туташган шулар. Улар кўп, турли касб соҳиблари ёки шунга интилаётган авлод. Биз уларнинг турмуш тарзи, орзу-ўйларини билишимиз, маддад беришимиз лозим.

Мени ҳамиша масаланинг моҳияти ва ҳаёт жозибаси қизиқтириб келади. Олам-олам орзу билан жамиятга қўшилаётган ёшлардан бирининг ҳаёти билан танишиш истаги тўғилди.

Излаб борганим — Феруза Аҳмедова улкан қурилиш ва ободончиликлар давом этаётган Шахрисабз шаҳри яқинидаги Хўжабоғ қишлоғида туғилиб ўсди. Миллий университетнинг журналистика факультетини битириб, бугун тумандаги «Кеш» газетасида масъул котиб вазифасини бажараяпти. Тинмай ўқиб, изланади.

— Феруза ёшлигидан кўп китоб ўқиб, дарсларини ҳеч қолдирмасди, — дейди онаси Ҳилола Содиқова. — Қиз бола — онанинг жони-дили. Феруза укаларини ўқитиришда менга кўп ёрдам берган.

— Онам маслаҳатгўйим, таянчим, — дейди жиммайиб Феруза. — Чунки ўқишимга хайрихоҳ бўлди. Отам — фермер хўжалиги раиси. Мен ҳаётимни касбим билан боғладим. Бугун юртимизда кечаятган улғў ўзгаришларга ҳисса қўша олам, ўзимни бахтли санайман. Анча режалар тузиб юрибман. Насиб этса, улар аста-секин амалга ошади. Бугун ҳаёт шунчалик жўшқин ва жозибалики, четда хотиржам туриш асло мумкин эмас...

Эртаси куни Қарши шаҳридаги «Ёшлар марказига» келганимда, биринчилардан бўлиб кўзим Феруза ва онасига тушди. Улар ҳаяжонда эканлиги кўриниб турарди. Бу ҳаяжон табиий эди. ЎЗХДП вилоят кенгаши раиси, вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Олим Равшанов бунни изоҳлар экан, жорий йил мингга яқин ёшлар танловининг бошланғич босқичларида иштирок этишгани, вилоят босқичига келганлар уларнинг пешқадамлари эканини айтди.

Яна вилоят партия ташкилотига етакчи муносиб ўринбосарлар ва ёшлар орасидан етишиб чиқаётган ташкилотчиларга катта умид билдирди.



Бу сафар кимлар ишончини оқлайди, берилган баҳолар ҳақиқийми? Ошириб-тошираётганимиз йўқми? Шулар ҳақида ўйлар эканман, «Ёш сиёсатчи — 2015» танлови республика босқичи иштирокчиси Нодира Умировага кўзим тушди. Икки олий ўқув юртини битирган Нодира компьютерларни дастурлаш бўйича малакали мутахассис, инглиз ва рус тилларини аъло даражада эгаллаган, иқтисодиёт коллежидан дарс беради. Партиямиз Муборак туманига анча йилдан буён бошчилик қилиб келаётган Алиме Парпиева яқинда етакчилиги Нодирага топшираман, аъзоларимиз ўртасида обрўси баланд, ўзим тарбияладим, дейди оҳиста. Хурсанд бўлман, Нодира катта ташкилотчи. Бугунги танловга у шогирдини олиб келибди.

Танловнинг яна бир республика босқичи иштирокчиси Азиза Кўзиева коллежани аъло натижа билан битирди. Нихоятда ташкилотчи, куйди-пишди бу кизимиз партиямиз вилоят кенгашида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудири бўлиб ишлаяпти. Яна ўнлаб умидли ёшларни тилга олгим келади.

Танловнинг биринчи ва иккинчи шартлари бир кун олдин партия вилоят кенгашининг ақборот-ресурс марказида ўтказилганди. Унда ёшлар «Билимдон сиёсатчи», «Нотиклик санъати» йўналишлари бўйича ўз билим ва тайёргарликларини намойиш қилишди. Ёш сиёсатчилар мамлакатимиз Конституцияси, сиёсий партиялар, парламент сайловлари, ёшлар масалаларига оид қонунлар, Оила, Меҳнат кодекслари, Президент асарлари, ЎЗХДП дастури ва бошқа мазмунли асослар билан жавоб беришди. Учинчи «Лойиҳа тақдими» шартини ҳам ниҳоятда қизиқарли, таассуротларга бой бўлди. Бу

ҳақда ЎЗХДП Марказий Кенгаши Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари сектори мудири Умрбек Бектимиров шундай дейди:

— Катнашчиларнинг зукколиги, қизиқиш доираси кенглиги, астойдил меҳнат қилишга шайлиги дилини қувонтиради. Шуниси эътиборлики, ёшлар мамлакатимизнинг яқин йиллардаги тараққиёт стратегияси, ислохотлар юзасидан кўп маълумотларга эга бўлиб қолмай, уларни амалга оширишга ҳисса қўлишни исташади. Партиямизнинг Сайловолди дастуридаги вазифалардан келиб чиқиб, қўллаб-қўллаб лойиҳаларни тақдим этишмоқда. Ёшлар юксак натижаларга эришишлари учун барча имкониятлар яратилапти. Энг муҳими, улар тақдирига бефарқ бўлмаслик.

Бефарқ бўлмаслик.. Бу гапнинг ҳам дилимда эди. Ёшлар атрофдаги воқеаларга бефарқ эмасликлари, билимлари пухталиги, айрим мураккаб масалаларни дадил ечишга уринаётганликларини етислаб беришди. Шахрисабз туманидан Феруза Аҳмедова 2017-2021 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясидан келиб чиққан ҳолда кичик бизнесни йўлга қўйиш, ёшларнинг бўш вақтларини фойдаланишга йўналтириш, касбга ўқитиш юзасидан амалга оширилган режаларни ўртага ташлади. Бу кўпчиликка маъқул бўлди.

Деҳқонobod туманидан Ўрайол Қўлдошева «Консой шифобахш суви ёнида сайёҳлар хизмати ташкил этиш» лойиҳасини шарҳлаб берди. У Консой қишлоғидаги хонадонларни миллий кашта, қўрпача, хонхаталар би-

лан жихозлашни таклиф қилди. Уйнинг бир хонаси муголаа учун ажратиларкан. Бу — қизиқарли ва истиқболли лойиҳа. Қарши шаҳридан Равшанбек Абдуллаевнинг ясси товонли оёқларни даволаш, атроф-муҳитни тоза тутиш ҳақидаги фикрлари юқори баҳо олди. Косон туманидан Гулнора Нусратованинг «Халқор кутубхона ва кафе ташкил этиш» лойиҳаси ҳар жиҳатдан замон талабига мос.

Китоб туманининг Қўрғонча қишлоғида туғилганман, иқтисодчиман, — дейди Бобуржон Хусниддинов. — Мен фойдаланилмаган захиралар ҳақида фикр юритмоқчиман. Масалан, туманимиз боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашиб бораёпти. Хусусан, 2500 гектардан ортиқ узумзор бор. Шундан 548 гектари лалми, қолгани сугорилмаган ерда. Ҳисоблаб чиқилган: сувли ерларда 2 миллион 843 минг тул, лалми ерларда 730 минг 751 тул ток мавжуд. Уларнинг барглари исроф бўлмоқда. Ваҳоланки, ток барги — яхши дарамад манбаи. Уни консервллаш, қиш даврида истеъмол қилиш, таом тайёрлашда қўллаш мумкин. Лойиҳада кичик қорхона ташкил этиб, ток баргини консервллаш масаласи қўйилган...

Бобуржон ток барги консерва банкисини ҳакамлар столга олиб бориб қўйди. Барча тўлқинланиб кетди.

Зукко катнашчиларнинг барчаси танлов йўналиши бўйича тақдирланишди. Қарши шаҳридаги қурилиш коллежи ўқувчиси Равшанбек Абдуллаев танловнинг республика босқичида катнашиш ҳуқуқини қўлга киритди, голиб бўлди.

Юнус УЗОКОВ
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗХДП ҳаётидан

Депутатлар билан ҳамкорликни
кучайтириш зарур

Хоразм вилоят кенгаши «Партия тизимидаги хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва уларда етакчилик сифатларини ривожлантиришнинг долзарб вазифалари» мавзусида амалий семинар ўтказди. Унда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, бу борада партия тизимидаги хотин-қизлар, депутат аёллар салоҳиятидан самарали фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифатини ошириш, бандликни таъминлаш, битирувчи қизларни ишга жойлаштириш, ўз бизнесини йўлга қўйишларида уларга қўмаклашиш бўйича партия ташкилотлари, «Фаол аёллар» қаноти томонидан амалга оширилаётган ишларни таҳлил этишди.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзоларини жалб қилган ҳолда кам даромадли оилалар, ногиронлар, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, аниқланган муаммоларни халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари муҳокамасига олиб чиқиш масалалари юзасидан тавсиялар берилди.

Семинар давомида иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда машғул ўтказишди.

— Ўқув-семинарда «Фаол аёллар» қаноти томонидан ўтказиладиган тадбирларни самарали ташкил этиш бўйича тушунчалар берилди, фикр алмашилди, — дейди **Урганч шаҳар партия кенгаши фаоли Раънобиби Эгамова**. — Олис ҳудудлардаги муаммоларни кўпроқ ўрганишимиз, уларни бартараф этиш учун ҳар бир маҳаллада доимий ишчи гуруҳларини тузишимиз керак. Улар муаммоларни ўрганиб, ҳудуддан сайланган маҳаллий Кенгаш депутатларига етказди. Ҳамкорликда уларга ечим топила, ишларимиз янада самарали бўлади.

Озода КУЛИМОВА,
Ўзбекистон ХДП Хоразм
вилоят кенгаши сектор мудири.

Қорақалпоғистон Республика кенгаши ижтимоий ҳимояни кучайтириш масалаларига бағишлаб ўқув-семинар ўтказди.

Ҳаётини ташаббуслар
кўрсатиш — давр
талаби

Таъкидландики, Ҳарақатлар стратегиясида аҳоли, айниқса, аёллар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, шу мақсадда тадбиркорлик, касаланиш, оилавий бизнес ҳамда хунармандчиликни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар қамраб олинган.

— Ҳарақатлар стратегиясига мувофиқ жойларда оналик ва болаликни муҳофаза этиш, кексалар ва имконияти чекланган шахсларни қўллаб-қувватлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича катта ишлар қилинмоқда, — деди ЎЗХДП

Қорақалпоғистон Республика кенгаши раиси ўринбосари **Нурлан Қишанов**. — Партия ташкилотлари ва депутатлар ҳам бу жараёнларда фаол иштирок этишга интиломоқда. Хусусан, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, улар орасида жисмоний тарбия ҳамда спортни омаллаштириш, кексалар, ўзгалар парваришига муҳтож кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича қўлаб-қувватлаш амалга ошириляпти.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўқув-семинар

Пойтахтимизда судьялар малакасини оширишга бағишланган ўқув-семинар бошланди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ташкил этилган тренинг машғулотларига видеоконференцалоқа тизими орқали мамлакатимиздаги барча маъмурий суд судьялари ва ходимлари қамраб олинган.

СУДЬЯЛАР
МАЛАКА
ОШИРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосари Б.Деҳқонов, Судьялар олий кенгаши раиси ўринбосари Д.Орипов ва бошқалар мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислохотлар замирида, аввало, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, жамиятда қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашга қаратилган эзгу мақсад мужассамлигини таъкидлади. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони муҳим дастуриямал бўлапти.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 13 июнь куни суд органлари вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳам тизимда одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳоли, муаммолар ва истиқболдаги вазифалар ҳақида тўхтади. Суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислох қилишга доир аниқ таклиф ва тавсиялар берди. Мазкур ўқув-семинарнинг ўтказишдан мақсад ҳам ана шу йиғилишда қўйилган вазифалар ижросини таъминлашдир.

Мамлакатимизда 207 маъмурий суд ташкил этилган. Семинарда маъмурий судлар фаолиятини такомиллаштириш, уларда фаолият юритаётган судьяларнинг билими ва касб маҳоратини ошириш, судьялар томонидан тўғри ва адолатли қарорлар қабул қилинишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиладир. Судьялар суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчилик, ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти билан атрофликка таништирилиб, уларга одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатларни ўз вақтида, тезкорлик билан ўрганиб, ҳолис қарор қабул қилиш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилапти.

Г.САТТОРОВА,
ЎЗА мухбири.

Реклама

Qishloq Qurilish Bank

«QQB-mobile»

мобиль иловасини таклиф этади.

QQB
MOBILE

ДАСТУР ЁРДАМИДА:

● Уяли алоқа операторлари, шаҳар телефони, Интернет провайдерлар ва рақамли телевидение хизматлари учун тўловларни амалга ошириш;
● Барча турдаги коммунал тўловлар, истеъмол ва ипотека кредитлари учун тўловларни бажариш;
● АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» тизими ичида маблағларни бир пластик картдан бошқа картага ўтказиш;
● Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси жарима тўловларини тўлаш мумкин.

«Қишлоқ қурилиш банк» —
фаровон ҳаётингиз
хизматида!

Маълумот учун:
(0371) 150-93-93, 150-93-39
www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

МУАССИС:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

Tahrir hay'ati:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot

agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va

shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini

ko'chirib bosish faqat tahririyat

ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 638

14456

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 22:10

Topshirilgan vaqti — 00:00

Sotuvda kelishilgan naredda

Navbatchi:

Abdusalam MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

172010763006

1 2 4 5 6

